ISSN: 2181-4562
www.imfaktor.uz

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

ЙУЛДОШЕВА Азиза Зокир қизи
ЎзФа санъатшунослик илмий-тадқиқот институти
санъатшунослик фанлари номзоди
https://doi.org/10.5281/zenodo.10548448

МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР ОЛАМИДА ЧИНГИЗ АХМАРОВНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ

АННОТАЦИЯ

Бу мақолада Ўзбекистон махобатли рангтасвири унда ижод қилган рассомлар, жумладан Чингиз Ахмаровнинг олтинга тенг бой ижодий мероси хусусида сўз борган. Мақолага санъатшунослик нуқтаи назаридан танқидий ва таҳлилий баҳо берилган. Унга кўра махобатли рангтасвирнинг нозик жихатлари рассом томонидан кай тарзда очиб берилгани ва албатта рассомнинг улкан махорати акс эттирилган. Ўзбекистон махобатли рангтасвирининг ривожига катта хисса қўшган рассом Чингиз Ахмаров ижод йўлидаги Ўзбекистон махобатли рингтасвири дурдоналари жой олган.

Калит сўзлар: миниатюра, санъат асари, маҳобатли рангтасвир, хазина, Сўғд тўйи, бадиий, эстетика, академик опера ва балет театри, шарқона образлар, мусиқа санъати, рақс, деворий суръатлар, безак.

ЗОЛОТОЕ СОКРОВИЩЕ ЧИНГИЗА АХМАРОВА В МИРЕ ВЕЛИЧЕСТВЕННОЙ ЖИВОПИСИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье говорилось о богатом творческом наследии созданных в ней художников, в том числе Чингиза Ахмарова, равном золоту. Статье была дана критическая и аналитическая оценка с художественной точки зрения. По его словам, тонкий юмор величественной картины был раскрыт художником по-кайски и, конечно же, отразилась огромная махатория художника. Художник Чингиз Ахмаров, внесший большой вклад в развитие живописи махобатли Узбекистана, провел шедевры махобатли рингтасвири Узбекистана по пути творчества.

Ключевые слова: миниатюра, произведение искусства, величественная живопись, сокровище, согдийская свадьба, искусство, эстетика, Академический театр оперы и балета, восточные образы, музыкальное искусство, танец, настенные росписи, декор.

THE GOLDEN TREASURE OF CHINGIZ AKHMAROV IN THE WORLD OF MAJESTIC PAINTING

ANNOTATION

This article talked about the rich creative heritage of the artists created in it, including Chingiz Akhmarov, equal to gold. The article was critically and analytically evaluated from an artistic point of view. According to him, the subtle humor of the majestic painting was revealed by the artist in Chinese and, of course, the huge machatoria of the artist was reflected. The artist Chingiz Akhmarov, who made a great contribution to the development of Mahobatli painting in Uzbekistan, conducted the masterpieces of mahobatli ringtasviri of Uzbekistan along the path of creativity.

Keywords: miniature, work of art, majestic painting, treasure, Sogdian wedding, art, aesthetics, Academic Opera and Ballet Theater, oriental images, musical art, dance, wall paintings, decor.

Ўзбекистоннинг 1930-1950 йиллар санъати тарихида рассомларнинг аввалги концепцияларини қайта кўриб чиқиш, совет санъатида қатъий белгиланган бир хил қолипга солиб қўювчи бадиий низомларга қарши курашиш даври бўлди. Гарчи 1950 йилларнинг охирларига келиб бу курашлар бир оз сусайган бўлсада, рассомларнинг ижодида драматик ва тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келди. Александ Николаев (Усто Мўмиин), Александр Волков, Оганес Татевосьян, Виктор Уфимцев, Николай Карахан, Надежда Кашина, Михаил Курзин, Павель Беньков, Зинаида Ковалевская, шунингдек, 1930-40 йилларда ўз ижодини бошлаган илк ўзбек аёл рассоми Шамсирўй Хасанова, Баҳром Хамдамий, Акром Сиддиқий, Ўрол Тансиқбоев каби Ўзбекистон тасвирий санъати бошида турган буюк рассомлар авлодининг тақдири бунга мисол бўла олади.

Мазкур рассомларнинг ижодий етуклик даври Совет хукуматининг пайдо бўлишидаги мураккаб йилларига ҳамда янги санъат, соцреализм принципларининг жадал шаклланиши даврларига тўғри келди. Архив манбаларидаги 1930-1950 йиллардаги кўргазмаларни муҳокамаси далолатномалари, мазкур йиллардаги санъатшунослик тадқиқотлари билан танишиш жараёнида доимий шафқатсиз танқидлар шароитларида улар учун ижод қилиш нақадар оғир бўлганлиги кишини қаттиқ ҳайратга солади. Гўёки уларнинг тақдири узра ғоявий машинанинг кучли босими эзғилаб ўтгандек. Совет хукуматининг соцреализм ақидалари уларнинг аксарият қисмини 1920 йиллардаги жадал суратлар билан ривожланиб бораётган ижодий қарашларига қарши ишлашга мажбур қилди.

Авангард шакллардаги асарлари мавзуси ва услубини ишчи синф ҳаётига бағишланган мавзуларга ўзгартириш жараёнида ҳам уларнинг ижоди доимий танқидий тошлар бўронида қоларди. Масалан, Александр Волков гарчи “Анорли чойхона” асаридаги эстетикасидан воз кечган бўлсада, оқибатда ўз ижодини кетмон ушлаган деҳқонларга алмаштирган бўлсада, маҳаллий санъатшунос ва рассомлар унинг асарларидан янгидан янги шаклий ва услубий хатолар топишдан тўхташмади. А.Волков ўз асарлари мавзусини ижтимоий мазмунга ўзгартиргандан сўнг, танқидчилар эндиликда уни ўтмишни гўзаллаштириш ва жамиятдаги замонавий инқилобий ўзгаришларга холисликда, балки ўзбек меҳнаткашлари образини “тентакнамо нисбатлардаги ва телбанома қиёфадаги майиб-мажруҳлар” [1] қиёфасида тасвирлашда айблашарди.

Ўзбекистон маҳобатли рангтасвирида Ч.Ахмаров, А.Аликулов, Б.Жалолов самарали ижод этган. Мазкур маҳобатли рангтасвирчиларнинг ҳар бири ўзига хос ижодий услубга, турли мавзуларнинг ўзига ҳос бадиий ечимига эгадирлар.

Уларнинг ижодлари миллий маҳобатли рангтасвирда алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюрага хос ажойиб ранг полотнолар яратиб миллий санъатимизнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган Чингиз Абдурахмонович Ахмаров ўз ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд. У ёшлик йиллариданоқ Қарши, Самарқанд шаҳридаги шарқона меъморчилик обидалари, амалий санъат сирлари билан астойдил танишади. Чингиз Ахмаров ўзбек халқининг тарихи, унинг анъанавий санъат меросига қизиқади [2].

Ўз ижодида миниатюра анъаналарини маҳорат билан қўллай олган маҳобатли рангтасвир устаси Ч.Г.Ахмаровнинг “Зулфия” (1965), “А.Навоий шогирдлари билан” (1968), “Нодира” (1975), “Бухоро рақси”, “Х.Носирова Ширин ролида” каби асарлари дастгоҳли асарлари билан бир қаторда, Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театри, Беруний номдаги Давлат Шарқшунослик Институти, Ўзбекистон Миллий театри, Ўзбекистон метрополитенидаги бекатлар, шу жумладан Ангрендаги Гулистон кафеси деворий суратлари ва бошқа бир қатор масканларнинг деворларида маҳобатли рангтасвир наъмуналари мавжуд.

Маълумки, А.Навоий ва К.Беҳзод ижодидаги фалсафий ғоялар Ч.Ахмаров санъатининг асосий мазмунини ташкил этади. У жуда кўплаб ўзбек адибларининг, жумладан буюк бобокалонимиз Алишер Навоий асарларини ўрганар экан ўзбек миллий адабиётига, шеъриятига махлиё бўлади. Гўзаллик сирларини қидириш мусаввирни Навоий ижодига янада чуқурроқ киришга жалб қилади. Рассом ўзининг тасвирий ифодаларини шарқ шеърияти ва миниатюрасидаги композициянинг график ечимидан, нозик шакллардан олади. “Хамса”даги воқеалар нафислигини сезган Чингиз Ахмаров уни бўёқ ва тасвирлар орқали жонлантиришга киришар экан, ҳар бир асар устида қайта-қайта меҳнат қилиб тўлақонли ва гўзал сиймоларни яратишга муяссар бўлади. Мусаввирнинг мўйқаламига хос шарқон образлар ва қиёфалар такрорланмас тарзда кетма-кет меъморий иншоотларни безай бошлайди.

Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик опера ва балет театрини безатилишида рассом ўз имкониятларини ва бадиий салоҳиятини намойиш эта олган. Бу ерда акс эттирилган рамзий маънодаги тасвирлар воситасида ўзига хос санъат сирлари очиб берилади. Шу ўринда театр интеръери деворларини безаб турган рамзий тасвирларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. “Тасвирий санъат”, “Рақс”, “Шеърият” ва “Мусиқа” каби санъатнинг рамзий тасвирлари диққатга сазовор.

Рассом 1960 йилларда ҳам мумтоз адабиётимизга таяниб ажойиб деворий полотнолар яратди. Унинг ҳар бир асарида ўзбек халқининг тарихи, улуғ мутаффакирлар сиймолари, гўзаллик тимсоллари шундай бир жозибали тасвирланадики, ҳали хеч бир рассом Чингиз аканинг мўйқаламига хос бундай хусусиятларни жамлаштира олгани йўқ. Чингиз Ахмаров Ўзбекистон тасвирий санъатида миллий анъаналарни бўёқларда тўйинтириб ва характерини тўлалигича ифодалаб бера олган машур рассомдир [3].

Чингиз Ахмаров бутун умри давомида маҳобатли асарлари учун ҳисобсиз чизматасвир, картина, эксизлар ҳамда тасодифий қораламалар яратган. Қоғоз, картон, мато каби анъанавий материаллар билан бир қаторда

Ч.Ахмаров ёғоч тахтачаларда бир қатор портрет асарлар, кафелда тасвирли лавҳалар ёки сопол ва чинни буюмларга суратлар ҳам яратган. Улар бугунги кунда музейларда, рассом ва шогирдларнинг шахсий коллекцияларида, ёки рассом томонидан совға қилинган шахсларнинг тўпламларида сақланмоқда. Уларнинг аксарияти деворий сурат, бадиий фильм, китоб иллюстрацияларга эскизлар бўлиб, рассомнинг қиймати биланд ва оригинал асарлари ҳисобланади. Акбар Хакимовнинг изланишлари натижасида Ч.Ахмаровнинг Тошкентдаги турли шахсий коллекцияларда сақланувчи 300 дан ортиқ асарлари фото лавҳаларга мухрланиб, аннотация ёзиб чиқилган.

А.Ҳакимовнинг тадқиқот давомидаги хотираларида Турбаздаги “Гулистон” кафесидаги деворий суратнинг илк маротаба кўришидаги таассуротларини қуйидаги сатрларда баён этади: “Ташландиқ кафенинг биринчи қаватида чангли атмосферада гўё қуёш нурлари каби маэстронинг деворий сурати равшан намоён бўлди.

Левкасда темпера бўёқлари билан ишланган деворий сурат камтар ўлчамларда эди – улар бир-бирига алоҳида мустаҳкамланган ярим мертли баландликдаги ёғоч панно бўлиб, барча композиция 15 метрли узунликдаги П-симон шаклни ҳосил қилган эди". Бугунги кунда деворий суратнинг ҳолати аянчлидир. Унинг баъзи жойлари томдан ёмғир сувлари тушиши оқибатида девордан оқиб тушган излар билан қопланган ва деворий суратга зарар етказган" [4].

А.Ҳакимовни мазкур панно мусаввирнинг бошқа деворий суратларидан нима учун бу қадар катта фарқ қилиши ҳақида ўйлантиради. Бу фарқ нафақат рассомга ноодатий бўлган материалда, балки ранглар мажмуида ҳам намоён бўлган. Мазкур асарга бағишланган Р.Х.Такташнинг мақоласида ҳам персонажларнинг Ахмаровга хос типажларга ўхшамаслиги белгилаб ўтилган, бироқ унинг сабабларига ишора этилмаган. Мазкур асарнинг услубий ва ранглар мажмуи кўп жиҳатдан Ч.Ахмаровга кўмак бериб юрган Жавлон Умарбековнинг шу даврдаги ишларига ўхшаб кетарди. Ахмаровга хос ҳаворанг ва кўк-феруза ранглар фақат қоматларнинг ҳошияларида қўлланилиб, умумий композицияда сарғиш қизил ранг етакчилик қилган.

"Сўғд тўйи" деворий сурати ҳақидаги Умарбеков билан бўлган суҳбатда Хакимов ундан мазкур иш жараёнида унинг ташаббуси қай даражада деб сўраганида рассом устахонада турган Ҳиндистондаги Аджанта буддавийлик ғор ибодатхонаси мажмуасининг копиясига ишора қилган тарзда қуйидагича жавоб берган: "Бу нусхани мен Ч.Ахмаров Лашкерек учун яратилажак эскизларга ишга тушмасдан олдин бажарганман. У менинг ишимни кўриб, унинг ёққанлигини ва бир оз муддатга ўзига олиб кетиши учун ижозат сўради. Мен учун маэстро томонидан кўрсатилган эътироф жуда ёқимли эди. Маълум вақт ўтгач у мени олдига чақириб, Ташкенткабель заводи раҳбариятидан Ангрен яқинидаги Турбаздаги кафе интерьерини безаш учун буюртма тушганлиги ҳақида хабар берди.

Бу вақтда Чингиз ака бир оз бетоб эди ва мендан ёрдам сўради. Асосий чизма ва эскизларни унинг ўзи бажарди, бироқ баъзи саҳналарни менга ишониб топширди ва ўзим мустақил равишда ранг палитрасини танлаш мумкинлигини айтди. Шунингдек, Аджанта деворий суратида ишлаган ранглар мажмуи унга ёққанлигини ҳамда - композицияга ўзингнинг қиёфанги ҳам қўш, сенинг ноодатий яшил кўзларинг худди сўғдларники каби – деб қўшиб қўйди. Мен у айтгандек қилдим. Келин ва куёв лавҳаси акс этган чап томонда турган қариянинг қиёфаси – бу мен. Деворий суратда шунингдек менинг рафиқам Дилянинг қиёфаси акс этган қиз ҳам мавжуд".

"Сўғд тўйи" панноси лойиҳаси устида ишлаш жараёнида ўша даврларда ижодга энди қадам қўйган Жавлон Умарбековнинг ёрдами катта. У билан бирга лойиҳага илк миллий рассом Баҳром Ҳамдамийнинг жияни - Атахан Хамдамов ҳам жалб этилган. Жавлон деворий суратни санамнависларнинг севимли техникаси бўлмиш левкасда бажаришни, колоритни эса Ч.Ахмаров маъқуллаган оч сариқ рангга урғу берган ҳолда ишлашни таклиф қилади. Ч.Ахмаров композициянинг ранглар ечимига кўк ранглар чизиғини қўшиб, совуқ ва иссиқ тонлар зиддияти орқали мутаносибликка эришишга муваффақ бўлган. Оч сариқ гаммада ишланган фон макони Ж.Умарбеков томонидан амалга оширилган. Бу каби ранглар мажмуи усули тилласимон товланиш бағишлаб, томошабиннинг асосий диққат эътиборини асосий воқеалар ва қаҳрамонларга қаратади.

Ч.Ахмаров агар тарихий материалнинг ҳаққонийлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмасада, бироқ унда нозик бадиий сезги бўлган. Ва бу сезги унга ҳеч қачон панд бермаган. Ж.Умарбековнинг эътирофига кўра Ч.Ахмаров раҳбарлигида мазкур лойиҳа устидаги иш жараёни унга тарихий материални талқин этиш ва англашда, имкон қадар тарихий ҳаққонийликка эришиш ва уни излаш йўлидаги қимматли мактаб бўлди.

Чингиз Ахмаров умрининг сўнгги дақиқаларига қадар қўлидан қаламни туширмаган. Унинг энг сўнгги ишлари 1995 йилнинг бошлари билан белгиланади.

IQTIBOSLAR. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Ахмедова Н. Р. Искусство Центральной Азии XX века: традиции, самобытность,диалог,-Ташкент: 2004,-205 с.
2. Абдуллаев Н. Ўзбекистон санъати тарихи. Тошкент – 2007. б. 230.
3. Ахмаров. Ч. Вступительный текст А.Умарова.Ташкент. 1979., стр. 18
4. Мюнц М.В. Живопись Узбекистана 1932-1945гг. Ташкент. 1952. Рукопись.
5. Ойдинов.Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Тошкент: “Ўқитувчи” 1997.
6. Хакимов А. Нетленный свет. Жизнь и творчество Чингиза Ахмарова. Тошкент. 2018.